O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 31 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 42 (7237)

Da'vat

Тилинг бирла кўнглингни бир тут.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси ва «Чирчиққишлоқмаш» акциядорлик жамияти халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Чирчиқдаги 14-Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари учун дастурхон ёзишди ҳамда болаларга мусиқа асбоблари ва гилам совға қилишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Юксак самимият, оталарча меҳр ифодаси бўлган табрик сўзларингиз биз — талаба ёшлар — универсиада иштирокчиларини беҳад тўлқинлантириб юборди. Шундай азиз Ватанда, шундай мусаффо осмон остида яшаётганимиздан, шундай буюк халққа фарзанд эканимиздан кўксимиз ғурур-ифтихорга тўлди.

Эзгу тилакларингиз ва юксак ишончингиз учун бениҳоя миннатдормиз.

Сизнинг бизларга қарата айтган умид ва ишонч тўла сўзларингиз универсиада мусобақалари давомида кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, мудом ғолиблик, мардлик, тантилик ҳисси билан майдонга тушишга даъват этиб турди.

Бугун озод ва обод Ватанимизда баркамол авлод тарбиясига улкан эътибор билан қаралмоқда. Гўзал Наманган шаҳрида ўтган универсиада бунинг яққол далилидир.

Сизни ишонтириб айтамизки, биз муқаддас Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ҳамиша тайёрмиз. Юртимиз, халқимиз ва Йўлбошчимиз билдирган юксак ишончга муносиб бўлмоқ бизнинг фарзандлик бурчимиз эканини бир умр ёдда сақлаймиз.

Юртимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг!

Эҳтиром билан миннатдор фарзандларингиз — универсиада иштирокчилари

2000 йил 29 май,
Наманган шаҳри

КЎРИШГУНЧА ХАЙР, УНИВЕРСИАДА!

Наманган вилояти ҳокимлигида спорт соҳасидаги ташкилотчиликка оид йиғилиш бўлиб ўтди. Унда "Универсиада—2000" ташкилий қўмитаси аъзолари, мамлакатимиз спортининг етакчи ходимлари ва таклиф этилган бошқа меҳмонлар қатнашдилар. Йиғилишда талабалар спортини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари, ёшларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш борасидаги айрим масалалар муҳокама этилди.

Наманган Давлат университетининг мажлислар залида жойлашган матбуот марказида ҳам шунга ўхшаш мажлис ташкил этилди. Унда универсиадада иштирок этган олий ўқув юртларининг ректорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ходимлари қатнашдилар. Мажлисларда олиб борилган универсиадалари ҳақида ланди, мавзуга воблар бўлди. ғолибларига мелик совғалари ни вазир С. Ғуди. Бунда ҳам якуний натижа-ҳисобот тинг-оид савол-жа- Универсиада даллар, эсда-топширилди.

Шу куни кечга томон Наманган ерларига ёмғир оҳиста шиббалаб ўтди. Кўчаларга худди сув шакароб қилиб сепиб қўйилгандек бўлди. Ҳаво эса салқин, тоза, жануб томондан салқин шабада эсди. Мана шу пайтда шаҳардаги 45 минг кишилик "Навбаҳор" футбол ўйингоҳи одамларга лиқ тўлди. Бу ерда "Универсиада - 2000" спорт байрамининг ёпилиш маросими кўтаринки руҳда, юқори савияда, тантанали суръатда бошланди.

Албатта, таниқли санъаткорларнинг Ватан, ёшлик, спорт ҳақидаги куй, қўшиқ, яллалари байрамга ўзгача файз бағишлади.

«Универсиада-2000»

«Универсиада — 2000» ҳақидаги таҳлилий материаллар билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз.

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қарорлари матбуотда эълон қилинди.**
- **Ўзбекистон Республикаси марказий банки ахборотига кўра 2000 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 500 сўм бўлган пул билети муомалага чиқарилади.**
- **Германиянинг Хонновер шаҳрида ўтказилган халқаро компьютерлар кўргазмасида Самарқанддаги "ТС — технология" илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳам иштирок этиб, мутахассислар эътиборига сазовор бўлди.**
- **"Шоҳруд" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган "Шифобахш" малҳами Ялтада ўтган халқаро кўргазманинг олтин нишонига сазовор бўлди — у Бухоро университети олимлари ва "Ўзмевасабзавотхолдинг" АЖ мутахассислари ҳамкорлигида яратилди.**
- **АҚШ Президенти Билл Клинтон Европага ўзининг бир ҳафталик сафарини бошлади.**
- **АҚШнинг Флорида штатида ўз вазифасини бажарган "Шатл-Атлантис" фазо кемаси "Кеннеди" номли фазо марказига қўнди.**
- **Нигерия шимолида мусулмонлар билан насронийлар ўртасида яна тўқнашув юз берди.**
- **Перуда бўлиб ўтган Президент сайловининг иккинчи босқичи дастлабки натижаларига қараганда, ягона номзод — амалдаги Президент Алберто Фухимори сайловда қатнашганлардан 75 фоизининг овозини олишга муваффақ бўлган.**
- **Покистон ҳукумати Ҳиндистон томонини тинчлик музокараларини давом эттиришга чақирди.**

Muammo

КУНДАЛИК — КЎЗГУ

ёхуд у қандай бўлиши керак

Биз ким бўлишимиздан, ёшимиздан, касбимиздан қатъий назар ҳар куни ҳеч бўлмаганда 2-3 марта кўзгуга қараймиз, ўзимизни тузатамиз, камчиликларимизни тўғрилаймиз. Кўзгу бизни алдамайди, борини кўрсатади. У қанчалик тиниқ бўлса, суратимиз ҳам шундай аниқ намоён бўлади. Балки шундан "Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама!" деган нақл пайдо бўлгандир. Мир Алишер Навоийда шундай фард бор:

Киши айбинг деса, дам урмағилки, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

Яъни кимдир айбингни айтса, унга индамай қўявер, чунки кўзгуга "куф" деб нафас урсанг, кўзгу хира тортиб яхши кўрсатмай қўйганидек, айбингни айтувчига ҳам норозилик билдирсанг, кейинчалик камчилигингни айтмай кўяди. Ваҳоланки, шундай кишилар — кўзгу, улар бизга даркор.

Мактабда эса кундалик дафтар ўқувчи, ўқитувчи, ота-она учун энг зарур кўзгу. Унга қараб бемалол ўқувчига, ота-онага баҳо бериш мумкин. Аммо биз бу кўзгуга ўз вақтида қарай олмаяпмиз. Айрим мисолларга эътибор берсак-да, сўнг хулоса чиқарсак.

КУНДАЛИКДАГИ ЁЗУВЛАР

Бир ўқувчининг кундалигига қўл қўя туриб саҳифанинг тўлдирилишига разм солдим: адабиёт — ўқиш, тарих — ўқиш, ЭҲМ — ўқиш, математика — ёзиш, БҲТ — югуриш, инглиз тили — ўқиш. Бунга чидаш мумкиндир, аммо жисмоний тарбия — ўқиш, меҳнат — ёзиш, деб ёзган бўлса-чи? Демак, ўқувчи кундаликни синф раҳбарига кўрсатиш учун кўркўрона тўлдирган.

Айрим кундаликларда февраль ойидан сўнг март ёзилмай, апрель ойи ёзилган. Ёзилмаган ойлар учун синф раҳбари сўроқ белгиси қўйиб, «Кундаликни ўз вақтида тўлдиринг" деб ёзиб қўйибди. Ота-она эса худди шу саҳифага имзо қўяверган. Бу эса ота-онанинг номига қўл қўйгани эмасми? Бир мактабга семинарга борганимизда қизиқиб ўқувчилардан бирининг кундалигини олиб варақладим: синф раҳбари хулқи ва ўзлаштиришига яхши деб ёзган, тарих ўқитувчиси эса "Ўғлингиз 1-чоракда керакли баллни тўплай олмагани учун ўзлаштирмади" деб ёзиб қўйибди. Ота-онанинг ҳам имзоси бор. Ва энг ажабланарлиси, худди шу ҳафтада ўқувчига тарихдан уч хил имзо билан 2, 10, 25 балл қўйилган. Албатта, 10, 25 баллни ўқувчининг ўзи қўйиб олган, Нега ота-она пастдаги ёзувни ва баллни кўриб ажабланмади? Ёки синф раҳбари унинг хулқига қандай қилиб "яхши" деб ёзди? Ота-она фарзандидан бир ҳафтада шунча балл тўплаб ўзлаштирмагани сабабини сўраганида ёки имзолар уч хиллигига эътибор берганда бола ҳайиқиб ўзича балл қўя олмасди. Айрим кундаликларни варақлаб эса дилингиз яйрайди. Ҳар бир фандан берилган топшириқлар, мисол ва машқлар тартиб рақами, керакли бетлар, саҳифалар, параграфлар рақами аниқ ёзилган. Бундай кундалик эгалари аълочилар, намуналилар албатта.

Кундалик — биз учун ҳар куни керакли кўзгу, унга тез-тез боқиб турайлик, стол устида ҳар соатда турсин, унинг ота-она ва синф раҳбари ўртасидаги воситачи бўлишига эришайлик.

(Давоми 2-бетда)

Himmat

МАКТАБ ҚУРИНГ

САВОБ БЎЛАДИ

Жамоа хўжалиги раиси Сиддиқ Муҳаммаджонов йиғинда жажжи болакайларни бошдан-оёқ кузатиб ўтирди.

Муаллимлар, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлимидан келган вакиллар, ўқувчилар — барча-барчаси "Раис бува, омон бўлинг! Ана шундай мактабни қуриб берганлигингиз учун сизга мингдан минг раҳмат!" дейишди.

Раис мутаассир бўлди. Гарчанд мактаб қуриш савоб иш эканлигини билсада, ўз шаънига бунчалик ҳамду сано ёғилишини, тўғриси, кутмаганди. Пойтахтнинг нақ биқинида жойлашган қишлоқ болалари жарлигу темир йўллардан ўтиб, тўрт-беш чақирим наридаги мактабга қатнаса, ахир бу адолатдан эмасда... Боз устига бир чақирим наридан ТошМИ ўқув корпуслари кўриниб турса.

Бошланғич таълим ўқитувчиси Фазлиддин Бердиев айтган жойидан кесадиган йигит чиқди. Ислом Баҳромов номидаги маҳалла аҳлининг талабини талаб қилиб тураверди: "Ахир қачонгача болаларимизни олисдаги мактабга қатнашга мажбур қиламиз!"

Тўғри гап. Раис дўпписини олиб мундоқ ўйлаб кўрди. Мактаб қуришмаса, иш чатоқ. Маҳалла аҳлининг фиғони фалакда.

1998 йилнинг баҳорида мактаб пойдеворига илк ғишт қўйилди. Орадан бир ярим йил ўтиб, 7 та хонадан иборат кўркам мактаб биноси қад ростлади. Пол-потолок қилинди, оқланди, дераза, эшиклар ўрнатилди. Ўқув жиҳозлари, қуроллари — бари-бари муҳайё этилди. Янги ўқув йилида маҳалла болаларининг қувонганини кўрсангиз эди. Экинзорларнинг қоқ ўртасида қад ростлаган мактабга кирганда нафақат болалар, ота-оналар ҳам ўзларини қўярга жой тополмай қолишди.

Алқисса, оддий муаллим, фидойи қишлоқ йигити Фазлиддин Бердиевнинг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари билан тикланган мактабда бу ўқув йилида 110 нафар ўқувчи таълим олди. Қисқаси, қишлоқ аҳлининг мушкули осон бўлди.

Мактабнинг расмий равишда очилиш маросимига таклиф қилинган Муҳаммаджон Фозилов номидаги жамоа хўжалиги раиси Сиддиқ Муҳаммаджонов сўзга чиқиб, шундай деди:

—Мактабингиз муборак бўлсин, азиз ўғил-қизларим! Худо хоҳласа, мактабни кенгайтирамиз. Чунки фарзандларимиз кўп. Улар улғайишмоқда. Насиб этса, компьютерлашган синфлар ҳам очилади. Хўжалигимизнинг бунга қурби етади. Агар ҳозир мактаб 150 болагагина таълим бериш имкониятига эга бўлса, келажакда 1000дан зиёд ўқувчини бағрига олади.

...Раиснинг охирги сўзлари қарсаклар остида унчалик аниқ эшитилмади, лекин айтди, яъни ваъда берди. Тўпланганлар шу боис ҳам раис бувани олқишлашдики, сал кам 70 ёшни қоралаган бўлса-да, ҳамон Тошкент туманидаги жамоа хўжаликларидан бирини бошқариб келаётган Сиддиқ Муҳаммаджонов ўз сўзининг устидан чиқади.

Д.ТОШКЕНБОЕВА

1 iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

Шу заминда яшаётган ҳар бир инсон миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар — Ватанимиз фарзандидир! — деган эди Президентимиз.

Инсон бахт учун туғилади! Мана шу бахтни бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодларимиз ҳаётида, ижодий фаолиятида, таълим-тарбиясида кўриш мумкин.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. Бугун болажонларнинг ҳар қачонгидан ҳам қувончлари чексиз. Бежиз айтишмайди: "Бола кулса олам кулади, у йиғласа, ғамга тўлади" деб.

Мана, ҳар биримиз дунё воқеаларидан хабардор бўлиб турамиз. Жаҳоннинг қай бир бурчагида тинчлик ҳукм сурса, қай бир бурчида уруш. Ана шу урушлар туфайли миллионлаб болаларнинг ҳаёти хавф остига тушиб бормоқда. Чеченистондаги урушлар, Ҳиндистондаги очарчиликлар, Африка қитъасидаги қашшоқликлар болаларнинг келажагини ўн, балки юзлаб йиллар орқага суриб юбормоқда.

Тинчлик бўлса, ривожланиш, тараққиёт бўлади. Мана шу каби урушларга сарфланган маблағ тинч аҳолига, унинг ўсиб бораётган ёш авлодига сарфланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Оллоҳга беадад шукр, бизнинг она-Ватанимизда тинчлик ҳукмрон. Шу тинчликни қадрлаш, бизнинг Ватанимиз олдидаги шарафли бурчимиздир. Фарзандларимизнинг таълим олишига, тарбия топишига биз катталар масъулмиз. Айни вақтда ёшларни турли оқимдаги йўллардан қайтариш учун ҳам катталар жавобгар, айниқса, ота-оналар!

2000 йилнинг — "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинишини ҳам ижобий томонга йўналиш дейиш мумкин. Ёш авлодни бугунги кун руҳида тарбиялаш, таълим бериб, саводхонлигини ошириш, улар соғлигига катта эътибор билан қараш Ватанимиз олдидаги муҳим вазифамиздир!

Ойгул КАРИМОВА

БОЛАЛАРНИ АВАЙЛАЙЛИК!

Xalq ta'limi muassasalari bozor iqtisodiyoti sharoitida

ДАНАК «МАҒЗИНИ» ЧАҚҚАНЛАР

Фарғонада нима кўп — боғроғлар, дарахтзорлар кўп. У ерларга асосан ўрик, шафтоли экилади. Чунки бу дарахтлар серҳосил, мевасининг эса бозори чаққон. Ўзи юз дардга дармон. Неки маҳалла ёки ҳовли борки, ёз фаслида уларнинг барчасида дарахтлар мева тугиб, шохи букилиб ётади. Ҳозир ўрик ғарқ пишган. Бозорда баҳоси суртекин. Олчаю олма ва шафтолиларга ҳам хиёл ранг кириб қолган. Бўйингиз етадиган шохидан тўрт дона узиб ейсизу экканга раҳмат айтиб кетаверасиз. Данагини эса... ўша жойнинг ўзида ташлаб юборасиз. Чунки унинг кераги ҳам йўққа ўхшайди. Аслида эса...

Кеча Қўқон ҳудудидаги туманлар, қишлоқларини айланиб юриб бир неча жойда данак териб юрган болаларга кўзим тушиб қолди.

— Буни нима қиласизлар? — қизиқсиниб сўрадим.

— Мактабга топширамиз.

— Нега?

— Мактаб молимизга ем беради, совун беради.

Қаламкаш аҳлининг аксарияти дарвешроқ, табиатан ҳамма нарсага разм солувчан бўладида. Эринмай болалар ўқийдиган 47-мактабга кириб бордим. У Ўзбекистон туманининг Сочтепа қишлоғида жойлашган экан. Ўқитувчилар, хизматчилар, болалар билан гангур-гунгур суҳбатлашиб, масалага ойдинлик киритгандек бўлдим.

Мактабнинг қарийб 1 гектар боғи бор. Қишлоқ эса мевали дарахтларга бурканган. Ариқларда бўта сувлар шалдираб оқарди. Қишлоқ аҳлининг айтишича, ҳар бир улғайган дарахтдан 15-20 кило данак чиқар экан. Авваллари бу ерда данак қишда уйни иситиш учун ёқиларди. Чунки унинг чўғи ҳароратни ўзида узоқ сақлайди. Ҳозир эса ҳаммаёқ газлашиб кетган. Данакни энди қишлоқликлар аввайлаб йиғиб, сақлаб мактабга топширишади. Қўқондаги ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси данакларни олиб кетади. Эвазига кунжара, шулха, совун олиб келиб беради. Ўртада ўзаро келишув — ҳамкорлик бор. Қарс икки қўлдан-да. Биз айтган емлар корхона учун атиги чиқит ҳисобланади. Аммо уларнинг баҳоси андак таҳлилбоп, масалан, кунжара корхонада 3 сўм 20 тийин, бозорда эса 50 сўмгача. Шулха у ёқда 1 сўм 60 тийин, ташқарида 30 сўм. Демак, қишлоқда чиқит ҳисобланган ҳар қандай меванинг данагини неки ҳосил бор, ҳаммасининг уруғини тўплаб, корхонага топширган киши дурустгина фойда кўрар экан. Бундан ташқари халқимизда савоб, увол, исроф бўлмасин, деган пурмаъно тушунчалар ҳам бор.

Корхона вакилларининг қишлоқларда юриб данак ва уруғларни йиғиб топшириш ҳақида олиб бораётган ташвиқоти, рекламаси, тузаётган шартномаси, ҳамкорлиги бежиз эмас. Чунки ана шу данак ва уруғлар таркибида шифобахш ёғлар бор.

Данак заводининг мазкур ўқув даргоҳи билан бизнес соҳасидаги ҳамкорлиги яқин ўтган йилларга бориб тақалади. Аниқроғи, Қўқон ёғ-мой очиқ турдаги акционерлик жамиятининг собиқ директори Юсуфжон Ёқубов қишлоқда замонавий мактаб биноси қурилишига ташкилотчилик қилган. Ва ўқув даргоҳи жамоасидан бартер усулида ҳисоблашишни айтиб, данак ва уруғлар йиғиб беришни сўраган. Бу икки томонлама фойдали муомала ҳаммага маъқул тушган. Кўтарилган ташаббус Қўқон ҳудудидаги туманларнинг ўқув муассасаларида, боғчаларда, Қўқон Давлат педагогика институтида қўллаб-қувватланди. Ҳаш-паш дегунча кўплаб тонна хом ашё тўпланди. Ахир биргина Ўзбекистон туманида жами 110 та таълим-тарбия муассасаси бор. Бундан аҳоли ҳам, корхона ҳам дурустгина фойда кўради.

Қўқон шаҳрига қарашли шаҳар ва Ўзбекистон туманлари чегарасида жойлашган 34-мактабнинг ҳам ўз ҳудудида 1 гектардан ортиқ боғ-роғи бор. Унинг 40 сотихи мевазор боғ, 60 сотихига бошоқли дон экилади. Ўқув даргоҳи раҳбари Насибахон Муҳамедова ёш бўлишига қарамай тажрибали, ишнинг кўзини биладиганлардан экан. Бу ерда мевалар компот қилиб тайёрланади ва қишда ўқувчиларга берилади. Келажакда эса уларни сотиш режалаштирилаяпти. Мевалардан чиқадиган данаклар жамоа ташаббусига кўра корхонага топширилади. Бунинг эвазига корхона уларга арзон нархда ўз маҳсулотларидан беради.

Мактабда жами 720 нафар ўғил-қиз таҳсил олади. Бош-ланғич синф болаларига 3 килодан, юқори синф ўқувчиларига эса 5 килодан данак йиғиб топшириш меъёри белгиланган. Бундай услубдаги ишга бутун жамоа хайрихоҳ. Жорий йилда корхонага 3 тонна данак ва уруғ йиғиб бериш режалаштирилган.

Томорқадаги буғдой ўриб олинганидан кейин ўрнига халқимизда рапс деб ном олган перко ўсимлиги экилади. Гап шундаки, перкодан ҳам нисбатан кўп миқдорда ёғ олинади.

Директор мактаб ҳудудида кичик фермер хўжалигини очмоқчи. Яъни жамоа қорамол боқишни йўлга қўйиш ниятида. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси уларни озуқа билан таъминлайди. Ҳозирги пайтда ҳомийлар билан шу борада музокаралар олиб борилаяпти. Бу фаолият ўз навбатида Вазирлар Маҳкамасининг бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағ ишлаб чиқаришларини такомиллаштириш борасидаги қарорига мосдир.

(Давоми 2-бетда)

“Бўлмаса, нега сиз “Спайс гёлс”, “Титаник” суратлари акс этган бу дафтарларни тутасиз”, деб сўраганимда кўпчилиги “Булар чиройли, сифатли”, яна айримлари эса “Борини олганмиз”, деб жавоб беришди.

Бунинг учун интеграллашган ягона классификатор тузиш, касбий таълимдаги ҳунарлар ва бакалавриатдаги йўналишлар кодларини ягоналаштириш лозим.

КУНДАЛИК — КЎЗГУ

ёхуд у қандай бўлиши керак?

(Боши 1-бетда)

ЎҚУВЧИНИНГ ДАФТАРИ, КУНДАЛИГИДА “СПАЙС ГЁЛС”, РОССИЯ ТАРИХИ

Ўқувчиларимдан бирининг дафтарларини текшира туриб дафтар муқовасидаги расм ва ёзувга кўзим тушиб қолди. Тўғриси, ноҳушланиб кетдим. Сочлари узун, кийимлари сипо чиройли ўқувчи қизим дафтарининг муқовасида рангли сурат. 5 та кўшиқчи қиз, сочлари ажабтовур, енгсиз, олди очиқ кофталар кийишган. Уялиб кетасиз... Қизиқиб бошқа ўқувчиларимнинг дафтарларини ҳам кўриб чиқдим. Умумий дафтарлар муқоваси деярли шундай ярим яланғоч қизлар сурати билан тўла. Сифатига эътибор бераман, оппоқ, силлиқ қоғоз. Демак, чиройли, сифатли дафтар ўқувчи эътиборини тортган. Ўзимизнинг дафтарлар эса хира қоғоздан ишланган. Аммо, ўша сифатли дафтарлар ўқувчига қандай таъсир этаркин? Қизлар, йигитлар уларга ўхшаб кийинишга интилмасмикин? Нега Ўзбекистон ўқувчилари қўлида аввалгидек Навоий, Фурқат, Бобур суратлари, ҳикматлари акс эттирилган дафтарлар камайиб кетди? “Россия ўқувчиси қўлида Нодирабегим, Навоий, Бобур суратлари билан безатилган дафтар бўлишини тасаввур эта оласизми”, деб сўрасам, “йўқ”, деб жавоб беришди. “Бўлмаса, нега сиз “Спайс гёлс”, “Титаник” суратлари акс этган бу дафтарларни тутасиз”, деб сўраганимда кўпчилиги “Булар чиройли, сифатли”, яна айримлари эса “Борини олганмиз”, деб жавоб беришди. Нима қилиш керак, муқовада беҳаё расм, дафтар ичида Кумушбиби тавсифи, тасаввуф илми, аждодларимизнинг шарқона одоб ҳақидаги ҳикматлари, Бухорий ҳадислари ёзилишига нима дейиш мумкин? Мутаносиблик борми? Ёки ўқувчи муқовадаги расмга қарамайди, унга бу суратлар таъсир этмайди, деб кафолат бера оламизми? Асло.

Кундаликларни варақлайман. Россияда чиқарилган кундаликларнинг дастлабки ва охирги саҳифаларида ўқувчи учун барча фанлардан зарур маълумотлар, давлат байрамлари, саналар ёзиб қўйилган. Тарих фанидан эса 862 йилдан 1996 йилгача бўлган саналар 3 бетда ёзиб қўйилибди. Ҳавасингиз келади. Лекин нега шундай сифатли, Ўзбекистон мадҳияси, байроғи, тамғаси, Ўзбекистоннинг тарихий саналари акс этган оппоқ қоғозли, силлиқ муқовали кундаликларни ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин эмас? Муқовага Абдулла Авлоний, Мунаввар қори, Ҳамза, Фитрат каби маърифатпарварлар суратини берсак қандай чиройли бўларди. Айрим кундаликларнинг орқа саҳифасида эса китоб савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун эълон берилган. Қайси тадбиркор кундалик саҳифасидаги эълонни ўқиркан?..

ТУШИМ ЎНГИДАН КЕЛАРМИКИН?

Туш кўрибман. Ўқувчиларим қўлида Авлоний сурати акс этган кундалик эмиш. Ички биринчи саҳифасида Ўзбекистон мадҳияси матни ёзилган эмиш. Кейинги саҳифада ўқувчи ҳақида маълумот, Ўзбекистон давлат байрамлари, тарихий саналар яшил рангда ёзилган, орқа саҳифаларида эса она тили, инглиз тили, рус тилидан сўз туркумлари, гап ҳақидаги зарур маълумотлар, тарих, географиядан харита берилган эмиш. Муқоваси силлиқ, қоғози оппоқ эмиш.

Ажабмас, туш ўнгидан келса. Янги ўқув йилидан Ўзбекистон ўқувчилари қўлида ўзлигимиз намоён этилган ўзбекона дафтар ва кундаликларимиз бўлса. Синф раҳбарлари ўқувчиларга миллий ифтихорларимиз ҳақида фақатгина гапирмай, балки шу ифтихорлар билан фахрланишга ҳам чорласалар... Қисқаси, кўркўрона усти ялтироқ, ичи қалтироқ ўқув қуролларидан узоқлашсак, айни муддао бўлур эди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси

Куни кеча “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида “Ёшлар” телеканали ходимлари ва Талабалар шаҳарчаси ҳокимияти ташаббуси билан Бутунжаҳон кашандаликка қарши кураш кунига бағишланган “Чекмасдан ёшлик гаштини сур!” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Эл суйган санъаткорлар Н.Саидова, А.Санаев, А.Муллахонов, “Садаф” гуруҳининг томошабинларга тақдим этган куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача жозиба бахш этди. Тадбирнинг янада қизиқарли ўтишида “Ёшлар”

“ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР!”

телеканали “Саломат бўлинг” кўрсатувининг бошловчиси Асрор Аброрхўжаевнинг хизмати катта бўлди. Тадбир сўнгида талаба йигитларнинг тош кўтариш мусобақаси ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Умуман, тадбирдан кўзланган мақсад — ёшлар орасида, одамлар орасида чекишни камайтириш. Шундай экан, чекмасдан ёшликнинг, ҳаётнинг гаштини сурайлик! Янги асрга эса соғлом ҳаёт ва соғлом қадам билан кириб борайлик!

Иззат ЭШБОЕВ,
талаба

ДАНАК «МАҒЗИНИ» ЧАҚҚАНЛАР

(Боши 1-бетда)

Энди данакни чақадиган маскан ҳақида ҳам андак фикр юритсак. Эҳтимол, масала янада ойдинлашади. Завод 1975 йилдан буён фаолият кўрсатади. Унга жамият раисининг данак заводи бўйича ўринбосари Лаҳлихон Қосимова етакчилик қилади. Корхонага Италия ва Германиядан дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилган. Йилига 60 тонна данакни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда, шунингдек, полиз маҳсулотларининг уруғи, узум уруғи ҳам асосий хом ашё ҳисобланади. 90-йилларга келиб, заводнинг ишлаш имконияти бир оз чекланиб қолган эди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Масалан, кейинги пайтларда у ерда раҳбарлар таркиби бир неча марта ўзгарди. МДҲ мамлакатларидан келадиган хом ашё манбалари узилиб қолди, чунки бу ерга Тожикистондан данак, Кавказ ўлкаларидан узум уруғи юборилар эди. Яқин вақтларгача корхонада хом ашё йўқлиги важидан соя ўсимлиги қайта ишланди. Ҳозир эса жойларда данак операциясини йўлга қўйиш ҳақидаги кенг ташвиқот олиб борилаяпти. Натижада қисқа вақтда аҳолидан, асосан мактаблардан 150 тонна данак қабул қилиб олинди. Вино заводлари ҳам узум уруғларини кераклича юбориб турибди. Завод тўлиқ қувват билан ишга тушиб кетди.

Корхона технологияси умуман чиқиндисиз ишлайди. Масалан, биргина шафтоли мағзидан 8-10 фоизгача ёғ олинади, кунжараси чорвага берилади, данак пўчоғи эса металл заводига шлиповка қилиш учун ишлатилади. Ёки уни шу ернинг ўзида куйдирилиб, “Сарбент” деган қимматбаҳо дори тайёрланади. Шафтоли ёғи облепихадан анчагина афзалдир. У шамоллашда, овқат ҳазм йўллари касалликларини даволашда қўлланилади. Терининг куйган жойларига суртилади.

Заводда жами 35 хил ёғ чиқариш мумкин. Улар орасида олиниши осон ва ширин таъмли ҳисоблангани қовун уруғидир. Бу уруғда 20-30 фоизгача ёғ бўлади. Шунингдек, ҳозирга келиб райҳон, жамбул, кашнич, укроп каби ош кўкатлари ҳам қайта ишланяпти. Кунжут, седана таркибидаги ёғнинг фойдали томонлари синчиклаб ўрганилаяпти.

Халқимиз асосан чигит ёғини истеъмол қилишга одатланган. Мамлакатимиздаги ёғ заводлари ҳам аксарият чигитни хом ашё санайди. Унда 19-20 фоиз ёғ бор. Перко, яъни рапсдан эса 45-50 фоизгача ёғ олиш, ерлардаги ҳосилдорликни 25 центнергача кўтариш мумкин экан. Агар мактабу боғчалар ортиқча жойларига, эҳтимол, пахта далаларининг маълум қисмига рапс экилса, ёғ муаммоси ҳал этилади ва у анчагина арзонга тушади.

Рапс уруғи ерга кузда қадалади ва ҳосил баҳорда ўриб олинади. Бўшаган майдонларга пахта ёки бошқа турдаги экинларни бемалол экавериш мумкин бўлади. Ёғ заводи жамоаси ҳозиргача 2 гектар ерда рапс етиштириб, тажриба ўтказиб кўрди. Натижа ёмон бўлмади. Бу катта муаммо устида мутахассислар бош қотириб кўриши, маъқул тушса, дадиллик билан ишга киришиши керакка ўхшайди.

Ўзбекистондаги дўконларга ҳозир доривор ёғлар чет эллардан келтирилаяпти. Уларнинг баҳоси ҳам қиммат. Масалан, Тошкентдаги дўконларда узум уруғи ёғининг бир литри 3,5 минг сўм сотилаяпти. Қўқонда ишлаб чиқарилгани эса атиги 500 сўм туради. Демак, ёғ турларини ўзимизда тайёрлашнинг афзаллик томонлари кўп экан ва бунинг учун қулай имкониятлар бор.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

МАВЗУ ОГОҲЛИККА, МУШОҲАДАГА ЧОРЛАДИ





Imtihon — 2000

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН МУҲИМ ВАЗИФА

Асрнинг “Сўнгги қўнғироғи” янграганидан сўнг умумий ўрта таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, катталар таълим марказлари ҳамда экстернат тартибида битирувчиларнинг билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш бошлаб юборилди. Биз ҳам куни кеча жараён билан танишиш мақсадида Чилонзор туманидаги 138-мактабга ташриф буюрдик. Мактаб ўқитувчилари Мамлакат Алимова, Шаҳноза Иноятова, Ҳамида Юсуповалар мактаб раҳбари, имтиҳон комиссияси раиси Дилбар Азимова бошчилигида 9-“А” синф ўқувчиларидан она тили ва адабиёт фани бўйича имтиҳон олишаётган экан.

— Бу синфнинг 60 фоизи аълочи ўқувчилардир, — деди мактаб раҳбари Дилбар Азимова. — Мен уларнинг берилган топшириқни пухта режалай олишига, мавзуни ижодий давом эттиришларига ишонаман.

Имтиҳон жараёнида раҳбарнинг гапи ўз тасдиғини топгандай бўлди. Ўқувчилар “Огоҳлик — муқаддас бурч” мавзуидаги қўшимча топшириқли баённи мулоҳазали мушоҳадалари замирида ёзганлар. Ўқувчилар мавзуга ўз қобилияти даражасида ва шахсий кузатишлари асосида ёндашиб, огоҳ бўлишлик — фазилат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Муҳими, ёшларни мустақилликка таҳдид, келажакка таҳдидлигини англаб етганликлари қувонарлидир.

Имтиҳон сўнгида ўғил-қизларнинг мустақил, эркин фикр юритган ҳолда воқеа-ҳодисаларга билдирган шахсий муносабатлари, ижодкорлиги, имло саводхонлиги каби жиҳатлар баҳоланди. Қисқаси, имтиҳон комиссияси аъзолари ёзма ишларни текшириб, шундай хулоса қилишди: ижодий баён мавзусига ҳар бир ўқувчи мантиқий мушоҳада ва ўзига хос маҳорат билан ёндашганлар. Муҳими ҳам аслида шу эди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Бундан икки йил муқаддам Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошида тарих ва шарқ тиллари лицейи ўз фаолиятини бошлаган эди. Шу йили вилоятлардан сараланиб олинган ёш йигит-қизлар икки йил давомида араб, форс, ҳинд, япон, хитой ва инглиз тиллари билан биргаликда тарихни ҳам чуқур ўргандилар. Бугунги кунда мазкур лицейнинг илк битирувчилари давлат имтиҳонларига тайёргарлик ишлари билан машғул.

— Бу йил лицейимизни 80 нафар ўқувчи битиради, — деди лицей директори Жалолиддин Нуриддинов. — Айни чоғда битирувчиларимиз якуний назорат ишларини ниҳоясига етказишиб, давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўришмоқда.

Лицей раҳбарининг таъкидлашича, ушбу илм даргоҳида 30 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар меҳнат қилишади. Улар асосан, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳамда Фанлар Академияси тармоқ институтларидандир. Лицейда ҳар бир ўрганилаётган тил йўналиши бўйича Ўзбекистонда фаолият юритаётган чет эл элчихоналари билан чуқур ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, тадбирларда ушбу дипломатик корпуслар вакиллари мунтазам иштирок этиб келмоқдалар. Лицей ҳаёти эрталабки тантанали сафланишдан бошланади. Ўқувчилар мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига оид муҳим янгиликларни, ахборотларни ҳафтанинг ҳар бир кунига махсус белгиланган хорижий тилда сўзлаб берадилар.

Мазкур билим масканида ташкил этилган “Камолот” ёшлар ташкилотининг барча ташаббусларига ёшларнинг севимли устозлари — моҳир педагоглар доимо бош-қош бўлишмоқда.

Бу ерда арабшунос олим Дилшод Алиевнинг муаллифлигида республикада ягона маънавият ва маърифат маркази ташкил этилган бўлиб, у замонавий услубда жиҳозланган, юксак дид билан безатилган.

— Аълочи ўқувчиларимиз ҳам кам эмас, — дейди маънавият, маърифат ва тарбия ишлари бўйича раҳбар муовини Гулнора Айметова. — Нигора Маликова, Дилшод Отахонов, Зулфия Охунжонова, Сабоҳат Иброҳимова, Сокина Аҳмедова, Рустамхўжа Аҳмедов, Элдор Аҳадовлар шулар жумласидандир. Барча битирувчиларимиз олдида турган вазифа синовлардан қийналмай ўтиб, ҳаётда ўз муносиб ўринларини топишдир.

Н.УСМОНОВ,
“Маърифат” мухбири

Суратларда: она тили ўқитувчиси, доцент М.Олимов шогирдлари билан имтиҳонга тайёргарлик жараёнида.

Лицей ўқувчилари математика фанидан ёзма имтиҳон топширишмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

МАЗМУН ВА ШАКЛДА УЗВИЙЛИК

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ, олий таълим икки босқичда йўлга қўйилмоқда. Бу — бакалавриат ва магистратура. Хўш, олий таълимни жаҳон андозаларига мослаштириш қай йўсинда ташкиллаштирилаяпти? Бўлажак мутахассисларга касбий таълим беришда, қандай муаммолар мавжуд?

Шу ва шу каби саволлар билан мурожаат қилганимизда, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти Касбий олий таълим бўлими мудири, кимё фанлари доктори, профессор Асфандиёр Аловиддинов қуйидаги фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

— “Таълимни стандартлашнинг халқаро квалификацияси” бўйича 8 та билим соҳаси барча давлатлар таълим ҳаётида қайд қилинган. Буларга — педагогика, ижтимоий-гуманитар фанлар, санъат, ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ, фундаментал фанлар, инженерлик, қайта ишлаш ва қурилиш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, хизмат соҳалари киради. Ана шу соҳаларнинг барчаси Ўзбекистон олий ўқув юртларига ҳам жорий қилинган.

Ҳозирда олий таълимнинг икки босқичи — бакалавриат ва магистратура учун давлат таълим стандартлари қуйидаги даражада белгиланган: Бакалавриат ўқув юкламасининг максимал ҳажми ҳафтасига 54 соат. Шундан 36 соати аудитория дарслари ва 18 соат мустақил ишга ажратилган. Бу йўналиш бўйича ўқиш муддати асосан 4 йил бўлиб, жами 7344 соатлик машғулотларни ўз ичига олади.

Давлат таълим стандартларида бакалавриатдаги фан блоклари тақсимоти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар учун 23 фоиз , математик ва табиий фанларда 25 фоиз, умумкасбий фанларда 50 фоизгача, ихтисосий фанларда 10 фоиз атрофида, факультатив фанларда 5 фоиз миқдоридадир.

Ушбу тақсимот ривожланган мамлакатлар олий ўқув юртларидаги ўқитиш тизими тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштирилган бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар”да қайд қилинган.

Гуманитар ва ижтимоий фанлар блокида ўқув юкламасининг нисбатан ортиқлиги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўзда тутилган шахс камолоти билан боғлиқ. Математика, табиий фанлар блоки учун дарслар ҳажми 25 фоизга ажратилган, дедик. Бу эса турли олий ўқув юртларидаги бакалавриат йўналишларининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Масалан: “Машинасозлик технологияси”да у 25,7 фоизни ташкил қилса, “Журналистика”да эса 8,4 фоизни ташкил қилади.

Умумкасбий фанлар блокида юкламанинг 50 фоизгача бўлиши

Jarayon

бўлажак бакалаврларнинг ўз йўналиши бўйича кенг ва фундаментал билим олишини таъминлайди.

Ихтисосий фанларнинг 10 фоиз атрофида бўлиши — бакалаврларни ўз йўналишидаги зарурий ихтисосликлар моҳияти билан таништириш ва уларни шу ихтисосликлар доирасида магистратурага тайёрлашни таъминлайди.

Шуниси эътиборга лойиқки, давлат таълим стандартларида мустақил таълим учун умумий аудитория соатларидан 18 фоизгача вақт ажратилган. Бундай ҳол аввалги ўқув режаларида назарда тутилмаган. У мустақил таълим олишга кўпроқ имконият яратишни кўзда тутган. Мустақил таълимга ажратиладиган соатлар сони олий ўқув юртларида ахборот (информацион) ва айниқса, услубий қўлланмалар таъминоти ривожланиб бориши билан ортиб бораверади.

Давлат таълим стандартларидаги аввалги дипломли мутахассис тайёрлаш жараёни ҳозирги икки босқичли олий таълим тизимидан фарқланади. Бакалавриатда ўқиш муддати аввалги муҳлатдан бир йил қам бўлса ҳам, улардаги назарий ўқитиш ҳажми деярли фарқсиз.

Бакалавриатда амалиётга ажратилган вақтнинг камлиги (ўртача 17 ҳафта) магистратурада компенсация қилинади (42 ҳафта). Бу ҳол бакалавр учун ўз йўналишида тўлиқ, кенг қамровли билим олиб, ишлаб чиқаришда керакли амалиёт ўташ имконини яратади. Маълумки, бакалавр ўзи учун зарур, кенг ихтисосий амалиёт куникмаларини магистратурада олади.

Бакалавриат ва магистратурада ўқитиладиган блоклар ичидаги алоҳида фанлар узвийлиги ҳам давлат таълим стандартларида ҳисобга олинган. Негаки, йўналиш ва ихтисосликлар бўйича стандартларни таянч олий ўқув юртларининг мутахассис гуруҳлари тузишган. Улар олий таълимнинг иккала босқичларида ҳам урганиладиган алоҳида фан мазмунидаги узвийликни ўқув режаси ва ўқув дастурида шакллантирганлар. Худди шундай узвийлик фанларни узлаштириш учун зарур амалиёт (практика)ларда ҳам кузатилади.

Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар билан бакалавриатура орасидаги узвийликда текис занжир ҳозирча куринмаётир. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти билан ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази орасида алоқа кучайиши лозим. Бунинг учун касб-ҳунар таълими ва олий таълимнинг биринчи босқичи бакалавриат стандартларини узаро мувофиқлаштириш, ўқув режалари ва дастурларда ҳам узвийлик булиши керак.

Бунинг учун интеграллашган ягона классификатор тузиш, касбий таълимдаги ҳунарлар ва бакалавриатдаги йўналишлар кодларини ягоналаштириш лозим. У “Таълимни стандартлашнинг халқаро квалификацияси” асосида тузилгани маъқул.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА
ёзиб олди.

АМАЛИЁТГА БАҒИШЛАНДИ

Anjuman

Пойтахтимиздаги Сиргали молия иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ташаббуси билан “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва такомиллаштириш” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

УМКҲТ Маркази раисининг ўринбосари Ҳ.Масъудов мазкур анжуманни очар экан, бугунги кунда таълим жараёнига янги педагогик технологияларни кенг татбиқ этишнинг долзарб масала эканлигига алоҳида тўхталди.

Олимлардан, профессор Н.Сайдаҳмедов касб-ҳунар таълими жараёнини алгоритмлаштириш технологияси, профессор У.Нишоналиев ушбу таълим тизимида модулли педагогик технологиялар, УМКҲТРИ лаборатория мудири Л.Голиш замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда ижтимоий педагогика асослари, ушбу институт лаборатория мудири Э.Ҳасанов таълим тизимида янги информацион технологиялар ривожи, РТМ бўлим бошлиги муовини Э.Маннопова янги педагогик технология назариясини амалиётга татбиқ қилиш хусусида сўз юритдилар.

Олимларимизнинг ушбу чиқишлари замонавий мультимедия тизими, мавзуга оид махсус тайёрланган компьютер дастурлари, видеокассталар ёрдамида бойитилиб борганлиги боис, анжуман иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйготди.

Ҳар бир чиқиш бўйича саволлар кўп бўлди ва уларга жавоблар куннинг иккинчи ярмида ўтказилган янги педагогик технология элементларини амалиётга жорий қилиш бўйича анжуман қатнашчиларининг тренингида ўз аксини топди.

МУХБИРИМИЗ

Tajriba, sinov, natija

ШЎЪБА ЙИҒИЛИШЛАРИ

Давлат таълим стандартлари асосида яратилган дастур, дарслик ва қўлланмаларнинг амалиётга босқичма-босқич жорий этилиши ўқитувчи олдига жуда қўплаб муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Энди ўқитувчи ҳар бир фан бўйича мукаммал амалий ёрдамсиз ёки етарли ахборотсиз ўз фаолиятини талаб даражасида ташкил қилиши қийин. Бу чора ва тадбирлар, туман, мактабгача таълим ва мактабнинг аҳволини бирданига ўзгартира олмайди.

Вазирлик, бошқарма ва институтдан берилган топшириқ, кўрсатма ва услубий ишланмалар унинг ҳақиқий эгаси ва унга эҳтиёж сезаётган ўқитувчи ва тарбиячига етиб бормаяпти. Бунинг асосий сабаби шаҳар, туман халқ таълими бўлимларига етказилган ахборот ва услубий ишланмалар ҳаракати шу ернинг ўзида тўхтаб қолаяпти. Иккинчидан, мактаб услубий бирлашмалари номига, расмиятчилик учун фаолият кўрсатаётганлиги натижасида янгилик ва топшириқлар ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан ишлаб чиқилмаяпти.

Бу муаммони ҳал қилишнинг қандай йўллари мавжуд? Таълимдаги ҳар қандай ахборот: янгилик, топшириқ ва услубий ишланмаларни ўқитувчи ва тарбиячига вақтида, тез етказиш йўли борми?

Икки ўқув йилидан бери Андижон вилоятида ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида бир мунча ишлар амалга оширилди.

Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг иш фаолияти билан танишиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, улар ўзларининг мутахассисликларини, айниқса, таълим тизимидаги янгилик, кўрсатма ва топшириқларни аниқ, равшан тасаввур қила олмайдилар.

Бунинг асосий сабаби фан ўқитувчилари шаҳар, туман бўйича ўқув йили давомида бир ёки икки марта (август кенгашларида, фан олимпиадаларида) учрашиш имкониятига эга, бошқа вақтларда эса бирга тўпланмайдилар. Демак, узларининг касбий малакаси ва маҳоратини ошириш, такомиллаштириш имкониятидан анча узоқдадирлар.

Шундан келиб чиқиб, биз ушбу масалани илмий-услубий кенгаш муҳокамасига олиб чиқдик. Биз буни кенг муҳокама қилиш жараёнида ҳар бир шаҳар, туман бўйича фан ўқитувчиларининг шўъба йиғилишларини мунтазам равишда ҳар ойда бир маротаба уюштириш ва унда барча ўқитувчиларнинг қатнашишини мақсадга мувофиқ деб топдик. Бундай йиғилишларда ўқитувчилар назарий масалаларни амалий иш орқали тушуниб олишга эришадилар.

Шўъба йиғилишларининг афзалликлари Бўз тумани мисолида узини оқлади. Улар 23 та фан ва йўналишлар бўйича шўъба ташкил қилиб, ҳар бир ойда уларнинг йиғилишини мониторинг марказида утказишни режалаштирганлар. Янги 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб вилоят бўйича шўъбалар асосида тажриба тариқасида услубий ишларни ташкил қилишга келишиб олинди.

Хўш, бўзликларнинг тажрибаси нимада?

Аввало, шуни айтиш керакки, ҳар бир фан ва таълим йўналишлари бўйича мутахассислар ҳар ойда ҳеч бўлмаганда белгиланган бир кунда учрашиш, долзарб масалалар бўйича келишиб олиш ва ўз соҳалари бўйича юқоридан келган янгилик, топшириқларни туман услубий марказининг мутахассиси бошчилигида муҳокама қилиш ва ўз иш фаолиятига татбиқ қилиш бўйича курсатма олади. Иккинчидан, бир соҳа мутахассислари учрашуви, мулоҳаза ва мунозаралари ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячининг билим савияси ва педагогик маҳорати қандай эканлигини таққослаш ҳамда улар фаолиятига адолатли баҳо бериш имконини яратади. Бу ўз навбатида ҳар бир ходимни ўз устида ишлашга мажбур этади, учинчидан, шўъба йиғилишлари айрим ҳолларда маълум соҳада ижобий тажрибалар тўплаган мактабларда ўтказилиши режалаштирилди. Ана шу ижобий ишлар билан жойида, тўғридан-тўғри танишиш мумкин.

Тўртинчидан, шўъба йиғилишларининг ҳар ойда мунтазам ўтказилиши ижро назоратини кучайтиради, яъни ким, қандай топшириқ ва тавсияларни бажараётганлигини таҳлил қилиш имконини яратади.

Жўрабой ХАЛИЛОВ,
Андижон ВПХМОИ ректори

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАР

Tadbir

Пойтахтдаги 229-болалар боғчасида Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида “Болаларни маънавий камол топтиришда тил ўргатишнинг моҳияти” мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Юнусобод туманидаги 47-болалар боғчаси инглиз тили ўқитувчиси С.Обидованинг “Боғча ёшидаги болаларга инглиз тили ўргатишда тўгарак ишларининг аҳамияти”, Яккасарой туманидаги 100-болалар боғчаси мудираси Х.Алихўжаеванинг «Болаларга рус, ўзбек, инглиз, корейс тилларини ўргатиш» ҳақидаги видеоси, Мирзо Улуғбек туманидаги 541-болалар боғчаси тарбиячиси А.Халилованинг “Маҳаллий болаларга рус тилини ўргатишда кўргазмали қуролларнинг аҳамияти”, шу тумандаги 14-болалар боғчаси услубчиси Ф.Тожиеванинг “Ўйин — маҳаллий бўлмаган болаларга ўзбек тили ўргатишда асосий восита” каби шўъбалар ишларини кузатдилар.

Шундан сўнг давра суҳбати бўлди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

"БИЛИМ МАҚСАДМИ, ВОСИТА?"

(«Маърифат» 2000 йил 12 апрель)

Aks-sado

МУРАККАБ ВАЗИФА

Ўқувчининг билими ва ахлоқини баҳолаш мураккаб, масъулиятли ишдир. Ҳар бир ўқитувчи ҳам бу вазифага тўғри ёндаша олади, деб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз устида тинмай ишлаши, изланиши лозим, қолаверса ўқувчиларни ҳам бунга тайёрлаш керак. Бу эса кўп меҳнат талаб қилади. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг хулқига қўйилаётган "намунали", "яхши" ва "қониқарли" баҳолар бугунги кун талабига жавоб беради, деб бўлмайди.

Ҳозир биз таълим-тарбия бераётган ўқувчилар келажакда қайсидир соҳада ишлаб, халқ учун, жамият учун, келажак авлод учун фойда келтириши керак. Буни ҳар бир мактаб жамоаси аъзоси ҳис қила билиши лозимдир. Ўқувчилар аҳлоқига баҳо беришда юқоридаги масъулиятни унутмаслик керак.

Ўқувчилар ахлоқини баҳолаш жуда мураккаб вазифа, агар бу борада олимларимиз томонидан методик тавсиялар ишлаб чиқилса, лозим бўлса вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари томонидан семинарлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кейинги пайтларда турли кўрик-танловлар, мусобақалар кўплаб ўтказилмоқда, бу яхши, аммо бу кўрик-танловлар ва мусобақаларни дарсдан ташқари пайтларда ўтказилса, янада яхшироқ бўлар эди.

Тўлқинжон ЎРУНОВ,
Тўрақўрғон туманидаги Э. Мирмаҳмудов номидаги 13-ўрта мактаб директори,
Халқ таълими аълочиси

ҲАМ ЎЙЛАТАДИ, ҲАМ ЎРГАТАДИ

Мамлакатимизда қарор топаётган узлуксиз таълим тизимига теран қаралса, унинг моҳияти шахсни камол топтириш эканлигини англаш мумкин. Аммо уни қай йўсинда англаб, қандай восита ҳамда усуллар орқали амалга оширилишини юқоридаги мақолани ўқигандан сўнггина аниқ тасаввур қилдим.

Дарҳақиқат, биз устоз-мураббийлар барча саъй-ҳаракатимизнинг якуни бўлган ўқувчи маънавий камолотининг даражасини чамалаб кўрмай, фақат унга элтувчи восита — билимдонлик кўрсаткичи билангина чекланиб, фахрланиб юрамиз. Неча йилдирким, ўқитувчилик фаолиятим мунтазам синф раҳбарлиги билан бирга кечмоқда. Бу ўқув йили ҳатто бир йўла иккита синфдаги ўқувчилар гуруҳига раҳбарлик қилмоқдаман. Тажрибамдан маълумки, синф раҳбари нафақат мураббий, балки ҳар бир ўқувчига оналик ёхуд оталик меҳри ила қаровчи устоз. Мен шу аснода ҳар бир ўқувчи (шогирд) билан ишлаб дардини, дилини, фикр-ўйларини билмоқчи бўламан ва шунга ҳамоҳанг қалбига эзгулик руҳини — маънавият шарбатини сингдиришга бутун вужудим ила қайғураман. Аммо қилаётган ишларимнинг қандай ижобат бўлаётганини ўлчаб кўриш, афсус мутлоқ ҳаёлимга келмабди. Ахир, билимни назорат қилиш, баҳолаш ўқувчининг нимада оқсаши, билимида қандай кемтиклар борлигини аниқлаб, шунга яраша ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш математиклар тили билан айтганда "исбот талаб этмайдиган аксиома"дек барчамизга аён-ку. Шундай бўлгач, ўқувчи ахлоқининг ҳам юқоридагидек мақсадда баҳоланиши фойдадан холи эмас.

Нечун ўқувчим хулқини синф раҳбари сифатида "қониқарли", "яхши", "намунали" даражалар билан баҳолайману бошқа синфдаги ўқувчилар хулқини баҳолашда қатнашмайман ёки нечун билимни расмий мезон бўйича баҳолайману ахлоқни эса ҳеч бир меъёрсиз, устига-устак фақат бир ўзим белгилайман.

Худди шу мақолада кўтарилган мавзу мени ҳам кўпдан ўйлантириб келар эди. Шу сабаб ўзим раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларига ўқитувчилар билан келишиб хулқларига баҳо қўйишга қарор қилдим ва чорак бошидаёқ бу қарордан ўқувчиларни огоҳ этдим.

Баҳолаш мезонига ўқувчининг ўзини тутиши, дарсга қатнашиши, дарс қолдирмаслиги, дарс жараёнидаги иштироки, дарсга лаёқати, ўртоқлари ва ўқитувчилар билан муносабати, мактаб жамоат ишларида қатнашиши кабиларни асос қилиб олдим.

Бу эса болаларни ўз вақтида дарсларда иштирок эттирибгина қолмасдан, уларнинг ўз шахсларига ва тенгдошларига муносабатини ҳам ижобий томонга ўзгартирди.

Ота-оналар мажлисида ҳам ҳар бир ўқувчининг шахсига ўқитувчи томонидан берилган баҳо муҳокама қилинди. Натижада ўқувчи шахси чуқурроқ ўрганилди ва муносиб тарзда баҳоланди.

Эндиликда билим мақсадми, воситами десалар, билим мақсаддан кўра воситадир, дея оламан. Аммо у ўқувчи шахсини шаклланишидаги хилма-хил омилларнинг устувори десам, яна ҳам тўғрироқ бўлади.

Бильакс, шогирднинг ахлоқий сифатини баҳолаш педагогик жиҳатдан муҳим, зарурий тадбир ва уни бутун ўқув йили давомида икки мартагина баҳолаш кифоя деб ҳисоблайман.

Ахлоқ бўйича белгиланган баҳони устоз-мураббийлар назарида, шунингдек, ота-оналар йиғилишида гоҳ ошкора, гоҳ индивидуал пинҳона муҳокама қилиб, маслаҳатлашиб, сўнг расмий ҳужжатларда кўрсатишни тавсия этаман.

Тарбияшунос олимлар эса бу масалада амалиётчиларо кўмак, йўлланма сифатида ахлоқни аниқлашнинг ихчам, қулай ҳамда кафолатли восита ва усулларини тавсия этсалар, нур устига нур бўларди.

Мунира ШОРАСУЛОВА,
Яккасарой туманидаги 72-мактабнинг математика ўқитувчиси

Reyting

ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

Жорий ўқув йилида тажриба-синовдан ўтказилаётган ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Ушбу муҳим тадбир натижаларини юқори талаблар асосида таҳлил қилиш ҳамда тажриба-синов ўтказиш ишларини умумлаштиришни ташкил этиш мақсадида халқ таълими вазирлиги томонидан профессор Ж.Икромов раислигида экперт гуруҳининг таркиби тасдиқланган эди. Таркибига таниқли олимлар, тажрибали амалиётчи-ўқитувчилар ҳамда халқ таълими бошқарувининг маъсул ходимларини жамлаган мазкур эксперт гуруҳига тажриба-синов ишлари якунларининг таҳлили асосида аниқланган камчилик ва нуқсонлардан ҳоли бўлган "Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом" лойиҳасини тайёрлаш топширилган.

Яқинда Тошкент шаҳрида ушбу эксперт гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Дастлаб, эксперт гуруҳи аъзолари ЎзПФИТИ ҳузурида ташкил этилган ахборот марказида рейтинг тизимини тажриба-синовдан ўтказиш бўйича жамланган ахборотлар билан танишдилар. Танишув натижасида тажриба-синовдан ўтказилаётган рейтинг тизими Низомида мавжуд камчиликлар таҳлил қилинди ва бу борада республикамиз турли ҳудудларида ташкил этилган тажриба-синов майдонларининг экспериментатор ўқитувчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрганилди.

Йиғилишнинг кейинги кунида эксперт гуруҳи аъзолари рейтинг тизими Низомини бандма-банд таҳлил қилишга киришдилар. Низомнинг ҳар бир банди тажриба-синов натижаларини эътиборга олган ҳолда таҳрир қилиниб, аниқланган камчиликлар тузатилган дастлабки лойиҳа тайёрланди. Ушбу лойиҳа мавжуд бўлганига нисбатан бирмунча ихчамлаштирилди ва унда республикамиз таълим тизимининг нафақат бугунги, балки истиқболдаги тараққиёт йўналишларини ҳам эътиборга олишга ҳаракат қилинди.

Тўғри, такомиллаштирилган рейтинг тизими Низомини ҳали маромига етган, деб бўлмайди ва биринчи таҳрирдан кейиноқ мукаммал тизим ишлаб чиқилиши мушкул, албатта. Қисқаси, қайта ишланаётган ушбу ҳужжат мутахассислар ҳамда таниқли ўқитувчилар муҳокамасидан ўтказиб борилади.

Ш.ШАРИПОВ,
ЎзПФИТИ ҳузуридаги Ахборот маркази бошлиғи

ТАКЛИФ ВА ФИКРЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Муҳтарам устозлар!

Маълумки, жорий йилнинг август ойида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинганига уч йил тўлади.

Ўтган қисқа давр мобайнида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Республикамиз таълимида илк бор "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари" яратилди, янги ўқув дастурлари билан биргаликда тажриба-синовдан ўтказилди, синов натижалари асосида такомиллаштирилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб янги ўқув дастурлари билан биргаликда босқичма-босқич таълим жараёнига жорий этилмоқда. Шунингдек , таълим мазмунини, маънавият ва маърифат йўналишидаги ишларни такомиллаштириш, янги педагогик технологияларни жорий этиш билан боғлиқ қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Халқ таълими бошқаруви органларида, республика ташкилотларида ва таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарилишини, давлат таълим стандартлари (ДТС) жорий этилишини, таълим самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш, эришилган ютуқларни оммалаштириш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш ва амалга оширишни тартибга солиш мақсадида таълимда мониторинг тизими шакллантирилди. Республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида Мониторинг марказлари ташкил этилди. Мониторинг хизмати ходимлари томонидан 1999-2000 ўқув йили давомида вилоят, туман (шаҳар) ва таълим муассасалари кесимида ДТСнинг жорий этилиши ва ўқувчиларнинг янги дастурларни ўзлаштириш мониторинги олиб борилди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, эришилган талайгина ютуқлар билан биргаликда камчиликлар, муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам аниқландики, уларнинг ечимини топиш ютуқларимизнинг кўпайишига ва самарасига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторинги асосида, ўтган уч йил давомида эришилган ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб олишни режалаштирган. Шу мақсадда жорий йил июл ойининг учинчи ўн кунлигида халқ таълими бошқаруви органлари раҳбарлари, ДТС мониторинги бўлимлари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар, олимлар, методистлар, чет эл экспертлари иштирокидаги фаоллар кенгаши ҳамда вазирлик ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси ўтказишни мўлжаллаган.

Таълим тизимидаги фаоллар кенгашида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури уч йиллик фаолият таҳлили ва истиқболдаги вазифалар" масаласи муҳокама қилинади. Вазирлик ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида эса "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этишнинг мониторинг натижалари ҳақида"ги масала кенг таҳлил этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

Ушбу масаланинг жиддийлиги ҳамда галдаги вазифаларни белгилаб олишдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, сиз азиз устозларимизнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ маслаҳатларингиз, таклифларингиз ва фикр-мулоҳазаларингизни билиш фойдадан холи бўлмайди.

Таклифларингизни, мавжуд муаммоларнинг ечими билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларингизни жорий йилнинг 20 июнига қадар қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни ёки телефон орқали маълум қилишингизни сўраймиз:

700078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси. Телефонлар: 139-19-34, 139-43-26, 139-40-94 (факс).

Инсон яшар экан, ўзига берилган умрни фойдасиз ўтказмасликка интилади. Ва кимдир бунга эришади, кимдир йўқ. Хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик, ҳар қандай натижа меҳнатсиз юзага келмайди, албатта. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳам меҳнати эвазига бугунги даражага етишган инсондир. Шавкат Ҳамидов заҳматкаш қалам соҳибларидан биридир.

Шавкатжон ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ, журналистикага қизиққани боис — вилоят ва республика даврий матбуотида хабар ва мақолалари билан қатнашиб турарди. Унда журналистикага бўлган қизиқишни оширишда "Ўқитувчилар газетаси" ("Маърифат")да ўша пайтда бўлим муҳаррири бўлиб ишлаётган педагог-журналист Жаъфар Маъруповнинг ҳиссаси катта бўлди. Ёшлигидан бу касбга меҳр қўйган ва мактабни яқинда тугатган Шавкат, Жаъфар аканинг тавсияси билан "Ўқитувчилар газетаси"нинг хатлар бўлимида ишлай бошлади. Редакция ҳавоси "ёкди" шекилли, ўша йили ТошДУ талабаси ҳам бўлди.

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАН ИНСОН

Орадан йиллар ўтди. Аммо Шавкат бу жамоада Ш.Мақсудов, С.Саидов, М.Раҳимов, Султон Акбарий, У.Салоҳиддинов, Ғ.Маннопов, Ҳ. Кўрикбоев, М. Ҳакимов каби серкирра ижодкор устозлари билан бир сафда, халқ таълими йўлида фаол қатнашгани билан ҳақли равишда фахрланади.

Шавкат Ҳамидов йигирма йилдан зиёд "Маърифат" газетасида ишлаган кезларида кўплаб, сермазмун мақолалар, очерклар, ҳажвиялар, фельетонлар ёзди.

Кейинчалик, Шавкат Ҳамидов ўз тақдирини республика радиоси билан боғлади. 1982 йилдан шу кунга қадар "Машъал" бош муҳарририяти (ҳозирда дирекция)да шарҳловчи, муҳаррир, катта муҳаррир ва 1997 йилдан бошлаб гуруҳ раҳбари лавозимида хизмат қилиб келаяпти. У радиожурналист сифатида ҳам бир қатор хайрли ишларнинг ташаббускори бўлди. Унинг ташаббуси билан "Адолат овози" номли эшиттириш ҳаво мавжларига чиқа бошлади.

Икки ўғил, бир қизнинг отаси ва тўрт набиранинг меҳрибон бобоси бўлган Шавкат Ҳамидов ҳақида сўз кетганда, айтиш жоизки, маърифат нуридан халқни баҳраманд этиш энг савобли хизматлардандир.

Абдулла ИСМОИЛОВ,
Маҳкам ҚЎЧҚОРОВ

Тошкент Радиотехника, электроника ва автоматика касб-ҳунар коллежи 2000-2001 ўқув йили учун 9-синф битирувчиларини танлов асосида ўқишга қабул қилади.

— Уй-рўзғор радиоаппаратурасини таъмирлаш;
— ЭҲМ ва автоматлаштириш тизимлари учун дастурлаш;
— Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Барча соҳалар бўйича ўқиш шакли кундузги.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳужжатлар 1 июндан 31 июнгача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 116-76-16, 116-17-94.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Д-20 мавзе, Катта-қаъни кўчаси 52-уй Транспортлар: 69-, 74-автобус, 17-трамвайнинг "Радиотехника коллежи" бекати

Oliy o'quv yurtlarida

ҲАМКОРЛИК

Таниқли олим, жамоат арбоби, Ўзбекистон Олий таълим тизимининг жонкуяр, фидоий ташкилотчиларидан бири, қишлоқ хўжалик соҳасининг билимдони Салим Пўлатов агар ҳаёт бўлганларида 70 ёшни қарши олган бўлар эдилар...

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида, икки кун давом этган халқаро илмий-амалий анжуман олимнинг 70 йиллигига ва "Агросаноат соҳасидаги ислоҳотларни оширишнинг ҳозирги босқичида олий таълим муаммолари" мавзусига бағишланди.

Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш, қишлоқ ва сув хўжалиги учун замонавий машина ва механизмлар яратиш, қишлоқ хўжалигида электр энергиясини тежаш, бозор иқтисодиёти шароитидаги агросаноат мажмуасида керакли бўлган касбий таълим бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш, фан ва техника соҳасидаги илғор тажрибалар борасида фикрлар алмашилди.

Илмий-амалий анжуман, янги ғоя, фикр ва мушоҳадаларга бой тарзда ўтди.

Демак, илм аҳлининг соҳа мутахассислари билан ҳамкорлигини бугунги шароит ҳам талаб қилмоқда.

ЕВРОПА АНДОЗАСИГА МОС КЕЛАДИ

Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ўқув ишлари бўйича ректорнинг биринчи муовини, техника фанлари доктори, профессор Орифжон Одилжонов "Европа ТАСИС ТЕМПУС " лойиҳаси дастури бўйича бизга шуларни сўзлаб берди:

— Биз 1998 йилда "ТАСИС-ТЕМПУС" лойиҳаси Европа дастури бўйича институтимизда энергетик менежмент курсини ташкил этдик.

Бу Берлин Давлат университети ва Афина таълим-технология институти билан биргаликда ташкил этилди.

Унинг асосий мақсади, Ўзбекистонда энергетика корхоналари раҳбарларига, энергия ресурсларини тежаш бўйича янги технологияларни ўргатишдир. Бу икки йил давом этиб, ўқув жараёни бўйича энергетика соҳасида қарийб 30 та фан асосида Европа андозасига мос келувчи маъруза ва матнлар тайёрланди.

25 майда бўлиб ўтган семинар якуни асосан мана шу лойиҳага бағишланди.

ИНСТИТУТДА ТАНЛОВ

Тошкент Давлат маданият институтида жонажон Ватанимизни мадҳ этувчи "Ўзбекистон — Ватаним маним" мавзусидаги қўшиқлар танлови бўлиб ўтди.

Ушбу танловда талабалар учта ўрин ғолиблиги учун ўз кучларини синаб кўришди.

Танловда III курс "Хор дирижёрлиги" бўлими талабаси Умида Шарипова ўзининг "Ассалом, диёр" қўшиғини ижро этиб, 1-ўрин соҳиби бўлди.

Акмал Саидов "Ўзбекистонсан" қўшиғини ижро этиб, 2-ўрин ғолиблигини қўлга киритди.

3-ўрин эса "Ашула ва рақс ансамбли" бўлими талабаси Туйғунжон Раҳматовга насиб этди.

1-ўрин ғолибига 10.000 сўм, 2-ўрин ғолибига 7.000 ва 3-ўрин ғолибига 5.000 сўм миқдоридаги пул мукофотлари институт ректорати томонидан топширилди.

Насриддин БОТИР,
Баҳодир ФАЙЗУЛЛАЕВ

Сўнгги қўнғироқдан олдин мактабларда охирги машғулотлар бўлиб ўтди.
Суратда: Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 15-мактабнинг 7 - "А" синфида ушбу ўқув йилида бўлиб ўтган энг сўнгги дарсдан лавҳа акс этган.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Sport

ҚАЛДИРҒОЧ ЧЕМПИОНЛАР

Таэквандо кураши деганда кўпчилик назарида эркаклар ўртасидаги мусобақалар, олишувлар гавдаланади. XXI аср бўсағасида эса бу спорт тури аёллар ўртасида қизиқиш уйғотибгина қолмай, серқирра ютуқ соҳибларини етиштирмоқда. Худди шу спорт тури бўйича Олот тумани 26 - болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолиятида катта муваффақиятга эришилди. Туманда таэквандо бўйича 1-ДАН соҳиби тренер Қурбон Қурбоновнинг заҳматли меҳнатлари натижаси ўз самарасини берди. Олот тумани 26-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг таълим олувчилари Шаҳноза Шаропова, Насиба Юнусова ва Азиза Омоновалар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, улкан муваффақиятга эришдилар. Шаҳноза Шаропова (8-синф ўқувчиси) 45 кг вазнда 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида «Қора белбоғ»ни ҳимоя қилиб, шу курашда олтин медаль соҳибаси бўлиб қайтди ва шу йилнинг август ойида Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун йўлланма олди. Насиба Юнусова (10- синф ўқувчиси) 1999 йил Сирдарёда бўлиб ўтган беллашувда «Қора белбоғ», Ўзбекистон чемпионатида 50 кг вазнда бронза медали соҳибаси бўлиб қайтди. Азиза Омонова (8-синф) республика чемпионатида "қизил белбоғ" учун курашиб, кумуш медални қўлга киритди. Чемпионларимизнинг ютуқлари эътибордан четда қолмади. Олот тумани ҳокими С. Оққиев мураббийлар ва туманимизнинг илк чемпион қалдирғочларини қимматбаҳо совғалар (гилам, телевизор ва б.) билан тақдирлаб, уларнинг келгуси ишларига ривож тилади.

Гулноза БАҲРОМОВА,
Олот тумани ҳокимлиги бош мутахассиси

QUTLOV

Муҳтарам Маҳмуда Усмонова!

Биз сизни моҳир ўқитувчи, ўз ишининг фидойиси, услубчи сифатида эъзозлаймиз. Сиз 33 йиллик иш фаолиятингиз давомида кўп ишларни амалга оширдингиз, минглаб шогирдларингиздан амалий ва услубий ёрдамингизни аямадингиз. Баҳорнинг сўнгги гўзал кунида тавваллуд аёмингиз — муборак 50 ёшингиз ила қутлаймиз. Эзгу тилакларингиз рўёбга чиқишини, умрингиз узун, ҳаётингиз сермазмун ўтишини тилаб қоламиз.

Юнусобод тумани ХТБ жамоаси ҳамда туман она тили ва адабиёти ўқитувчилари

Мусобақа ғолибларига Президент мукофотлари - 15 та "Тико" русумли енгил автомашина берилди.

Йигитлари полвон, қизлар Барчиной, Ёшлик, дўстлик, бўлавер омон!

Ma'rifat

ТИНЧЛИК, САЛОМАТЛИК, ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

КЎРИШГУНЧА ХАЙР, УНИВЕРСИАДА!

(Боши 1-бетда)

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рихсиев Бош вазир ўринбосари Дилбар Ғуломова, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов ва бошқа меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Бутун ўйингоҳ узра Ватан мадҳияси янгради. НамДУ талабаси Гулбаҳор Муҳиддинова "Универсиада - 2000" иштирокчиларининг Президентга мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Шундан кейин, мусобақа ғолибларига Президент мукофотлари - 15 та "Тико" русумли енгил автомашина берилди. Мана, мукофот эгалари бўлган талаба спортчилар билан танишинг:

1. Аюб Камолов — халқаро кураш бўйича Универсиада чемпиони, Наманган Давлат университети толиби.
2. Шухрат Бозоров — белбоғли кураш бўйича Универсиада чемпиони, Наманган Давлат университет толиби.
3. Татьяна Величко — волейбол бўйича Универсиада чемпиони, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт институти талабаси.
4. Ўткир Умурзоқов — волейбол бўйича Универсиада чемпиони, Тошкент Давлат педагогика университети толиби.
5. Луиза Бектякова — теннис бўйича Универсиада чемпиони, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт институти талабаси.
6. Александр Мальцев — теннис бўйича Универсиада чемпиони, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт институти толиби.
7. Луиза Бухтякова — баскетбол бўйича Универсиада чемпиони, Самарқанд Давлат университети талабаси.
8. Вячеслав Белокуров — баскетбол бўйича Универсиада чемпиони, Бухоро Давлат университети толиби.
9. Руслан Шушеров — стол тенниси бўйича Универсиада чемпиони, Самарқанд Давлат университети толиби.
10. Севара Қодирова — стол тенниси бўйича Универсиада чемпиони, Наманган Давлат мухандислик-педагогика институти талабаси.
11. Рустам Қурбонбоев — футбол бўйича Универсиада чемпиони, Наманган Давлат университети толиби.
12. Иброҳим Ҳамроқулов — шахмат бўйича Универсиада чемпиони, Самарқанд Давлат университети толиби.
13. Севара Юсубалиева — шахмат бўйича Универсиада чемпиони, Ўзбекистон Миллий университети талабаси.
14. Екатерина Кремлева — енгил атлетика бўйича Универсиада чемпиони, Наманган Давлат университети талабаси.
15. Ҳасанбой Раҳимов — енгил атлетика бўйича Универсиада чемпиони, Фарғона Давлат университети толиби.

Хуллас, универсиада қатнашчиларининг ҳеч қайсиси қандайдир даражада совғасиз қолмади. Спорт байрами деб шунга айтадилар-да. Айниқса, Гулбаҳор Эрқулова, "Фаёд", "Шаҳзод" гуруҳлари ашула айтганда, бутун ўйингоҳ завққа тўлди. Шундан кейин универсиада байроғи туширилди. Кичик олимпия машъаласини бухоролик талаба вакил қабул қилиб олди. Универсиада байроғини эса Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов Бухоро вилояти ҳокими Самоиддин Ҳусейновга топширди. Демак, универсиаданинг навбатдагиси 2002 йили Бухорода ўтказиладиган бўлди.

Саидаҳрор Ғуломов спорт байрамини ёпиқ деб эълон қилди. Ватан мадҳияси остида Ўзбекистон байроғи туширилди. Талаба спортчилар байроқ остида бирлашиб ўйингоҳни тарк этар эканлар, уларнинг сўнгги айтган сўзлари мана бундай бўлди:

КЎРИШГУНЧА ХАЙР, УНИВЕРСИАДА!

МОҲИЯТ

Универсиадада спорт чинакам санъатга айланди. Бунда қадди-қомати келишган талаба қизлар, мушакдор йигитлар ўз маҳоратларини профессионал даражада намойиш қилишди. Ҳар бир учрашув халқаро андозалар даражасида ўтди. Баъзан эса юзларга кўз ёшлар инди. Бу — ҳаяжонли лаҳзаларнинг чўққиси бўлди.

Универсиаданинг асосий жараёни майдонларда ўтаётган куч, эпчиллик, ақл ва маҳоратлар синовидир. Бу ердаги асосий кишилар, албатта, ана шу мусобақа иштирокчиларидир. Мазкур спорт байрамининг асосий жиҳатларидан бири унинг оммавий тартибда эканлигидир. Демак, Ўзбекистонда оммавий спортни ривожлантириш учун миллиардлаб сўм (!) маблағ сира аялмаяпти. Ва спортимизнинг бош ҳомийси, илҳомлантирувчиси юртбошимиз Ислом Каримов эканлигини доим ёдда тутишимиз керак.

Ўтган бир ҳафта давомида бутун халқимиз универсиада нафаси, кайфияти-руҳияти билан яшади. Кишиларимиз ўз яқинлари, жамоадошлари, вилоятларининг жамоалари қандай кўрсаткичларга эришаётганларини кузатиб боришди.

Наманганда эса қарийб 2-3 ой мобайнида йилларга татигулик ишлар қилинди, яхши ҳозирлик кўрилди. Ахир, минглаб меҳмонларга шароит яратиш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш катта маблағдан ташқари, бетиним меҳнатни ҳам талаб этади. Спортчи ёшларнинг мусобақа майдонларига боришлари учун замонавий автобуслар, қаторқатор енгил машиналар беминнат хизмат кўрсатди. Талабалар ҳузурида шоирлар шеърлар ўқишди, уларнинг Ватан ва ёшликни, бахт ва истиқболни тараннум этувчи дилтортар назмлари, куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига қувонч бахш этди.

Универсиада талабаларга дўстлик, ҳамжиҳатлик, оламолам қувонч берди. Томошабинларнинг завқ-шавқи, ўз жамоаларига гуруллаб ён босишлари халқимизнинг мана шундай мусобақаларга жуда ташна эканлигини англатади. Президентимиз ташаббуси билан ғолиб талабалар турли хил медаллар, совринлардан ташқари, "Тико" русумли енгил автомобиллар билан ҳам тақдирланадиган бўлдилар. Бу хабар журналистларнинг матбуот марказида ўтказилган навбатдаги брефингда расман эълон қилинди.

Спорт байрамининг маданий-маърифий, миллий-мафкуравий жиҳатдан аҳамияти жуда каттадир. Бунда талабаёшлар жисмоний-руҳий жиҳатдан тобланадилар. Соғ тандасоғлом ақл бўлишини эса халқимиз яхши билади. Шунингдек, спорт ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, уларни фидокорона меҳнатга, Ватан ҳимоясига тайёрлашда айрича аҳамият касб этади. Универсиада мусобақаларини кузатган ёшлар ҳозир спортнинг қайсидир тури билан мунтазам шуғулланиш лозимлигини ҳис этишяпти. Бу тадбирнинг ёшлар онгида ўзгариш ясаётганидан далолатдир. Косонсой ўйингоҳида ўтказилган енгил атлетика мусобақаларини кузатган ўқувчиларнинг юзларидан, сўзларидан ана шундай ифодани билиб олиш мумкин эди. Худди шу кунларда Косонсой мактабларида ҳам "Бўлажак универсиадачилар" номи билан жажжи спорт ўйинлари ташкил этилди.

Универсиаданинг ёпилиш маросимини ҳам юқори савияда ўтказиш режалаштирилди. Эътибор берган бўлсангиз, унинг очилишида 16 та жамоа алоҳида рақам ва ном остида параддан ўтган эди. Ўйинлар ҳам ниҳоятда муросасиз, фақат ғалаба учун олиб борилди. Сўнгги тадбирда эса барча жамоалар, вилоятлар битта байроқ остида бирлашдилар. Бу Ўзбекистон спортчи талабаларининг ягона оилани ташкил этишини, уларда юртпарварлик кайфияти жўш ураётгани ҳамда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга, шуҳратини дунёга ёйишга, юртимиз байроғини ҳар қандай нуфузли мусобақаларда ҳам энг юқорига кўтаришга тайёр эканликларининг ифодасидир.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ЖАҲОН САРҲАДЛАРИДА ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

Спорт — саломатлик, қадду қоматни ростлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш гарови, ҳамжиҳатлик, тинчлик элчиси. У ҳам санъат сингари чегара билмайди. Энди талабаларимизнинг халқаро мусобақаларда иштирок этиши ҳақида бугунги кунда бутун мамлакатимиз матбуоти, хорижий-оммавий ахборот воситалари тинмай эълон қилаяпти. Келинг, мисолларга ўтайлик. Шу йилнинг май ойида Олмаота шаҳрида ёки 26-28 май кунлари универсиадамиз билан ёнма-ён тарзда "Г.Касанов хотираси" номи билан халқаро мусобақа ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ёшлар спорти терма жамоасидан 45 вакил муваффақиятли қатнашди. Навбатдаги халқаро спорт ўйинлари яқинда 2-5 июнь кунлари Бишкек шаҳрида олимпия чемпиони Т.Калмакова хотира совринлари учун олиб борилади. 45 нафар спортчиларимиз ана шу нуфузли мусобақада қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритган.

Ўзбекистон кубоги учун енгил атлетика бўйича халқаро учрашувларни ташкил этиш ҳар йили анъанага айланиб қолган. Мазкур спорт байрами 12-15 июнь кунлари кенг миқёсда олиб борилади. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, универсиада ғолиблари ана шу тадбирда ҳам қатнашадилар. Бундай саъй-ҳаракатлар келажакдаги халқаро спорт ўйинларида ёшларимизнинг яхши кўрсаткичларга эришишлари йўлида пухта тайёргарлик ва пиллапоя босқичини ўтайди.

Таиландда ҳам Қирол Кубоги учун турнир ўтказиш бир неча йилдан буён анъана тусига кирган. Унда ёш спортчилар, футбол, бокс, енгил атлетика бўйича ўз маҳоратларини синайдилар. Универсиада ғолиблари, марҳамат, энди ҳатто Таиландга боришлари мумкин. Ҳозиргача эса боксчиларимиз у ердан яхшигина натижаларга эришиб қайтишаяпти. Аслида мамлакатимиз ёшлари 1992 йили Таиландаги халқаро мусобақачилар сафига қўшилишди, 14-19 май кунлари Бангкокда ана шундай учрашувлар 46-марта ташкил этилди. Унда Осиёнинг 18 мамлакатидан энг зўр спортчилар қатнашди. Иштирок этган 17 нафар ёш спортчиларимиз 6 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза медалини олиб қайтишди. Ушбу турнир натижасида Сиднейда ўтадиган олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмаларимиз сони 5 тага ошиб, 17 тага етди. Эндиги навбат Жакартада ўтадиган Осиё чемпионатига.

ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАЛАРИ ЭГАЛЛАНДИ

Шундай қилиб, спортнинг 9 тури бўйича мамлакатимизда илк бора ўтказилган "Универсиада—2000" мусобақалари ҳам ниҳоясига етди. Бунда универсиада дастурининг ҳар бир рақамидаги шахсий биринчилик, жамоа рақамларидаги биринчилик, спорт турлари бўйича жамоа биринчилиги ва финал мусобақалари якунлари бўйича мажмуавий ҳисобда умумжамоа биринчилиги аниқланди.

Умумжамоа биринчилигини аниқлашда очколарни ҳисоблаш, эгалланган ўринлар ва дастур турларидаги 12 та энг яхши натижалар бўйича амалга оширилди.

Энди спорт турлари бўйича энг яхши натижалардан айримларини келтириб ўтамиз.

Катта теннис бўйича мусобақалар Наманганнинг "Дўстлик" теннис кортида олиб борилди. Қизғин давом этган ўйинлар натижасида аёллар шахсий биринчилигида **Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти спорт клубининг талабаси Луиза Бектякова,** йигитлар орасида ҳам худди шу спорт клуби аъзоси **Александр Мальцев** ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдилар. Аёллар жуфтлик биринчилиги, эркаклар жуфтлик биринчилиги ҳамда аралаш жуфтлик биринчиликларида яна спорт клуби талабаларидан **Луиза Бектякова, Александр Мальцев, Мария Жоржио**ларнинг қўли баланд келди. Натижалардан кўриниб турибдики, демак, Тошкент—1 жамоаси деб

«Универсиада 2000»

аталган жисмоний тарбия институтида теннис бўйича яхши тайёргарликлар олиб борилган экан. Шунинг учун ҳам мазкур жамоа умумий 12 балл тўплаб, жамоалараро ҳам ғолибликни эгаллади.

Белбоғли кураш бўйича жамоалар бўйича наманганликлар 77 очко тўплаб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Иккинчи ўринда Тошкент—1, учинчи ўринда Андижон жамоалари бўлди.

Вазн тоифалари бўйича қуйидагилар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди: **андижонлик Илёс Ҳалимов (60 кг), андижонлик Дилшод Қамбаров (66 кг), андижонлик Маъмур Тожибоев (73 кг), Тошкент—1 жамоасидан Жаҳонгир Саъдиев (61 кг), наманганлик Довусхон Баҳодиров (90 кг), наманганлик Григорий Ступаков (100 кг), 100 килограммдан ортиқ вазнда наманганлик полвон талаба Шухратжон Бозоров.**

Стол тенниси бўйича жамоалар орасида фарғоналиклар энг яхши ўйинлар кўрсатишди ва 12 балл тўплаб, биринчиликни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин наманганликларга, 3-4-ўрин эса самарқандлик ва андижонликларга насиб этди. Футбол бўйича Тошкент—1 жамоаси ва НамДУ талабалари финал ғолиблиги учун муросасиз ўйинлар олиб боришди. Натижада наманганликлар 6:2 ҳисоб билан ғолиб чиқдилар.

УНУТИЛМАС КУННИНГ НАТИЖАСИ

Универсиада етуклик ва камолот байрамига ҳам айланди. Бу ерда йигит-қизлар ўзларининг спорт борасидаги профессионал маҳоратларини намойиш қила олдилар. Спорт мажмуаларидаги мусобақалар бирон дақиқа ҳам ҳаяжонсиз ўтмади. Косонсойдаги 25 минг кишилик футбол ўйингоҳида 2 кун давомида енгил атлетика бўйича жамоалар куч синашдилар. Натижада янгидан-янги ғолиб номлар тилга олинди. Масалан, **Тошкент—1 жамоасидан Олим Жўрабоев** 100 м. ни 11 секундда югуриб ўтди. Шу жамоа аъзоси **Альбина Галимова** эса 12,1 секунд натижа кўрсатди. Яна **Тошкент—1 ёшларидан Александра Родигина** 1,5 километрга югуришда 4,5 минутлик натижага эришди. Найза отишни тошкентлик Андрей Коршаков 57,97 метр масофа билан якунлади. Кўриниб турибдики, буларнинг барчаси Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг спорт клуби аъзолари, бўлажак спорт усталари ва ходимлари. Ғолибларнинг барчасига олтин медаль насиб этди.

Биз мусобақалар давом этаётган пайтда қатнашчиларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашдик. Улар ҳар қанча ҳаяжонда бўлишларига қарамай, матбуотчиларнинг саволларига хайрихоҳлик билан жавоб қайтаришди. Қуйида суҳбатнинг айримларини келтирамиз.

Бунёд Равшанов, Қарши Давлат университети талабаси:

— Эстафетада яхши кўрсаткичга эришишга умидимиз бор эди. Аммо фарғоналиклар ғолиб чиқишди. Улар орасида тез югурадиганлари кўп экан. Мен энди 100 метрга югуриш ва ядро отиш бўйича қатнашаяпман. Пекиндаги универсиадада қатнашиш учун бор имкониятимни ишга соламан.

Хайрулло Омонов, Андижон Давлат университетидан:

— Найзани 41 метрга улоқтирдим. Бу кўрсаткич учун медаль йўқ. Эртага 7,56 килолик ядрони ирғитиш бўйича мусобақалашамиз. Балки ана шунда ғалабага эришарман. Нима бўлганда ҳам оптимистик кайфиятдаман.

Надя Кожевникова, Андижон Давлат университети талабаси:

— Узунликка ва уч ҳатлаб сакраш борасида кўп машқ қилдим. Лекин ҳозиргача самарқандликларнинг қўли баланд келиб турибди. Ўзингдан кучлини тан олиш керак-да. Аммо биз ҳам мукофотсиз қолмаймиз. Спорт турлари бўйича жамоамизда айрим яхши кўрсаткичларимиз бор.

Моҳира Маматқулова, Қарши Давлат университетидан:

— Тошкент—1 жамоаси ядро отиш бўйича ҳам биринчиликка эришиши мумкин. Чунки улар спорт бўйича ихтисослашаётган талабалар. Бўлажак универсиадачилар агар ғалабага эришишни исташса, спортнинг қайсидир тури бўйича астойдил шуғулланишлари лозимлигини айтиб ўтмоқчиман. Тажриба шуни кўрсатаяпти.

Нина Бледник, енгил атлетика бўйича ҳакам:

— Бугун талабаларимиз яхши кўрсаткичларга эришишди. Пекинда бўладиган мусобақаларда биз яхши натижаларга эришишимиз мумкин. Бунинг учун талабаларимиз ўз устларида яна ҳам кўпроқ ва мунтазам ишлаб боришлари лозим.

Роман Ицков, "Универсиада—2000" спорт байрамининг бош котиби: — Мени қувонтирган нарса талаба-спортчиларимизнинг олимпия шаҳарчасида истиқомат қилаётганларидир. Демак, машғулотлар тинимсиз давом этаяпти. Ўйин майдонлари эса халқаро андозаларга мос тушади. "Алпомиш" уч залли спорт мажмуаларида, "Навбаҳор" футбол ўйингоҳида биз ҳар қандай дунёвий учрашувларни ўтказсак арзийди. Мен халқаро мусобақаларда спортчиларимизнинг кураш, бокс, енгил атлетика бўйича юқори кўрсаткичларга эришишига ишонаман. Энди бугундан бошлаб Ўзбекистон терма жамоаси таркибида талабаларимизнинг сони бирмунчага ортади.

УНИВЕРСИАДАГА ҲАМОҲАНГ ТАДБИРЛАР

Спорт байрами баҳонасида Наманганда жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада кўчалар, хиёбонлар янада гўзаллашди, спорт иншоотлари жаҳон андозаларига мосланди. Пок ниятли Наманган аҳли универсиадани камчиликсиз, муаммосиз ўтказиш учун ҳамма имкониятларни сарфлади.

Мусобақалар давом этаётган кунларда шаҳарнинг гўзал даҳасида республикамизда ягона шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. 20 та ташхис қўйиш бўлими, 10 дан зиёд ёрдамчи бўлимлари, бир сменада 50 нафар беморни қабул қилишга мослашган қабулхона, 10 та жарроҳлик-амбулатория мажмуаларини ташкил қилиш учун 14 млрд. сўм сарфланди. Бу ерда бир-йўла 350 беморга малакали хизмат кўрсатилади. Ходимларнинг штатлар рўйхати ҳам мингдан зиёдни ташкил этади. Бу — универсиада ҳафталиги мамлакатимизда 2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинганининг маҳсулидир.

Эндиги универсиада мактабданоқ бошланиши лозим. Мазкур зарурат ўқув даргоҳларида болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратилишини талаб этади. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ана шу мақсадлар учун 3 млн. 336 минг сўм пул ажратди. Унга теннис столлари, шахмат, шашка тахталари, волейбол, футбол, баскетбол тўплари, турли хил анжомлар харид қилинди. Шунингдек, вилоятда 16 та соғломлаштириш маркази, 8 турдаги спорт шўъбалари иш бошлади.

КАТТА СПОРТНИНГ КАТТА МУАММОЛАРИ

Атлантада ўтказилган олимпиада ўйинларида мамлакатимиз спортчиларининг ҳам қатнашганлари ёдимизда. Унда спорт турлари бўйича етакчилик қилиб, катта муваффақиятларга эришган АҚШ ва Хитой жамоаларининг 75 фоизини ўқув юртлари талабалари ташкил этди. Ўзбекистон спортчилари ҳам ўзига хос натижалар кўрсатишди. Натижада Сиднейда бўладиган олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар сони жами 50 тага етди. Афсусланарли томони шундаки, бу йўлланмалар атиги 7 нафар талабаларга насиб этди. Бу илғор мамлакатларга нисбатан ниҳоятда паст кўрсаткич ҳисобланади. Мана шу муаммо Наманганда олиб борилаётган универсиадани катта нуфузли даражада ташкил этишга ҳам туртки бўлди.

"Универсиада—2000" бош котиби Роман Ицковнинг эътироф этишича, ҳозир универсиадада спорт турлари бўйича 3, нари борса 5 тадан яхши жамоалар иштирок этаяпти. Қолган жамоаларнинг кўрсаткичлари етакчиларга нисбатан анчагина паст ўринда бўлиб қолаяпти. Бахтга қарши олий ўқув юртларимизда талабаларнинг катта спорт йўлидаги тайёргарлигига етарлича эътибор берилмайди. Натижада ёшларимиз нуфузли мусобақаларда қатнашиш тажрибасини эгаллай олмаяптилар. Бизнинг энг катта, ҳал этилиши мумкин ва лозим бўлган муаммомиз — Ўзбекистон спорти ривожига алоҳида эътибор берадиган мамлакатлар ичида талабалар спортининг ягона уюшмасига эга бўлмаган давлатдир. Мамлакатимизда ана шундай мувофиқлаштирувчи ташкилот ҳозиргача тузилмаган. Уюшма қанчалик тез ва ҳар тарафлама мукаммал тузилса, талабаларимиз халқаро спорт мусобақаларида шунчалик кўп ва юксак натижаларга эришишлари мумкин бўлади.

МУСОБАҚА САБОҚЛАРИ

Энди эса натижалар хусусида фикр юритсак. Жамоалар ўртасида стол тенниси бўйича Жиззах педагогика институти, Сирдарё Давлат университети ва Навоий тоғ-кон институти 1 балл ҳам ололмадилар ва 14-, 15-, 16-ўринни эгаллашди.

Тошкент техника университети эса 0,5 балл олди, холос.

Футбол бўйича ўтказилган ўйинларда жамоалар орасида кескин фарқ борлиги билинди. 25 май куни андижонлик ва навоийликлар 6:1, Тошкент вилояти ва жиззахлик вакиллар 9:1, Наманган ва Урганч жамоалари 9:0, Тошкент—1 жамоаси қаршиликларни 11:1 ҳисоби билан енгдилар. Бу, ўз навбатида, волейбол мусобақаларини эслатди.

Универсиадада белбоғли кураш мусобақалари ҳам ниҳоятда паст даражада ўтди. Мисол учун, НамДУ вакиллари учрашувларда 77 очко тўплаган бўлсалар, сурхондарёликлар 7 очкога эга бўлди. Жиззахликлар 18 очко билан кифояланишди.

СОВРИНДОРЛАР

29 май — Универсиаданинг ёпилиши куни мусобақа ташкилотчилари, иштирокчилари, мезбонлар, оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун ҳам енгил бўлмади. Бунда спортнинг футбол ва шахмат турлари бўйича якунловчи — финал мусобақалари ўтказилди. Шахматчи талабалардан СамДУ ва Ўзбекистон Миллий университети жамоалари аъзолари биринчилик учун куч синашдилар. Натижа 2:1 ҳисоби билан якунланиб, самарқандликлар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди. Шундай қилиб, университетчилар иккинчи, қорақалпоғистонликлар учинчи, термизликлар тўртинчи ўринни эгалладилар. Самарқандликлар бу борада энг кўп — 12 очко тўпладилар. Улар эркаклар баскетболидан ҳам биринчиликка эришди. Аммо, бошқа спорт турлари бўйича кўрсаткичлар ижобий эмас. Оқибатда жамоа мажмуавий ҳисобда 74,5 очко тўплаб, учинчи ўринни эгаллади. Наманганлик талабалар эса энг кўп — 114 очко жамғариб, универсиаданинг биринчилигини қўлга киритдилар. Чунки улар аёллар баскетболи бўйича 10, эркаклар волейболидан 9, аёллар волейболидан 10, халқаро ва фарғонача курашдан 10 ва 12, енгил атлетикадан 11 балл тўплашга эришдилар.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти жамоасининг очколари 111 тани ташкил этди. Улар жамоа ҳисобида 2-ўринга кўтарилдилар. Шундай қилиб, Термиз—3 жамоаси 4-, Бухоро талабалари 5-, фарғоналиклар 6-ўринга эришдилар. Бу рақамларни 16 тагача давом эттириш мумкин.

Стол тенниси бўйича шахсий биринчиликда ҳам универсиада юлдузлари аниқланди. Мана, уларнинг айримлари билан танишинг: наманганлик С.Қодирова (жаҳон чемпиони), самарқандлик Р.Шушеров, фарғоналик Н.Сотволдиева, фарғоналик М.Холматов, фарғоналик Р.Оразметов ва ҳоказо. Уларнинг барчасига олтин медаль насиб этди. Енгил атлетика бўйича ҳам 19 нафар биринчилик эгалланди. Бу — 19 та олтин медаль дегани. Яна шунча саноқда кумуш ва бронза медаллари соҳиблари ҳам бор.

Белбоғли курашда ҳам наманганлик талабалар зўр маҳорат кўрсатиб, жамоа ҳисобида энг юқори натижага эришдилар. Шахсий биринчиликда эса андижонликлардан Илёс Фозилов (60 кг), Дилшод Қамбаров (66 кг), Маъмур Тожибоев (73 кг), Тошкент—1 жамоасидан Жаҳонгир Саъдиев (81 кг), наманганлик полвонлардан Довусхон Баҳодиров (90 кг), Григорий Ступаков (100 кг), Шухрат Бозоров (100 кг.дан ортиқ вазнда) биринчиликни эгалладилар.

Муросасиз ўтган мусобақалар ниҳоясига етди. Ўйингоҳларга яна осудалик инди, иштирокчилар ҳам енгил тортишди. Аммо бу вақтинчалик, албатта. Чунки моҳир спортчиларни янгидан-янги учрашув ва зафарлар кутмоқда.

Саҳифани махсус мухбирларимиз Дилбар ҲАЙДАРОВА ва Аваз ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

М.АМИН, Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

УНИВЕРСИАДА ЭТАДИ ДАВОМ

Мушоира этади давом...
Зулфия

Гуллар диёрига байрамлар келди,
Саодатли дамлар, ҳайратлар келди,
Полвонлар, Алпомиш келбатлар келди,
Ёшлик, дўстлик, бўлавер омон,
Универсиада этади давом.
Наманган боғида топган гулларим,
Ғолиблик нашъасин тотган зўрларим,
Бахтга қучоғини очган кунларим,
Ёшлик, дўстлик, бўлавер омон,
Универсиада этади давом.
Жаҳон бўйлаб йўл сол, қувончингни ёй,
Ҳар қадамда шодлик, ўзгача чирой,
Йигитлари полвон, қизлар Барчиной,
Ёшлик, дўстлик, бўлавер омон,
Универсиада этади давом.
Ёшлик уфурмаган пучмоқ қолмади,
Меҳмону мезбонда чарчоқ қолмади,
Наманган кўксида бир доғ қолмади,
Ёшлик, дўстлик, бўлавер омон,
Универсиада этади давом.

Дилбар ҲАЙДАРОВА

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Шерали НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-377. Тиражи 36.285.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.40.